

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевга Мурожаат

Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Расулulloҳга ва унинг аҳли-оиласига салоту саломлар бўлсин.

Жаноб Шавкат Мирзиёев, сиз 2021 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқингизда “Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмини жорий этиш доирасида инсон қадр-қимматини ерга урадиган, ғайриинсоний қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён мутлақо йўл қўймаймиз. Бундай жиноятлар қачон содир этилишидан қатъий назар, жазога тортилиши зарур. Қийноқларга қарши конвенциянинг факультатив протоколини тасдиқлаймиз.” деган эдингиз.

Маълумки, Ўзбекистон ҳукумати ушбу конвенцияга қўшилган ва Ўзбекистон аҳолисини қийноқ жиноятларидан ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Жаноб Мирзиёев, сиз айна шу йилда “қийноқларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги” янги қарорни имзоладингиз. Шу мақсадда тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳамда жазони ижро этиш муассасалари ходимлари учун қийноққа солишга қарши курашиш бўйича ўқув курслари ташкил этилди. 2023 йил 19 июлда Тошкент вилоятида “Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши БМТ конвенциянинг бажарилиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг Олтинчи даврий ҳисоботини тайёрлаш юзасидан давлат органлари ходимларининг касбий маҳоратини ошириш” мавзусига бағишланган тренинг ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот хизмати берган маълумотга кўра, бугунги кунда Ўзбекистон томонидан 80дан ортиқ инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро ҳужжатлар ратификация қилинган. Ушбу контекстда мамлакат бўйлаб жуда кўплаб йиғилишлар, семинарлар ва мажлислар ўтказилиб, қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган чора тадбирлар ва қабул қилинган қарорларга қарамасдан, 2024 йил 04 январ куни ички ишлар ходимлари ДХХ билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи, 1999-2000 йилларда Ҳизб ут-Таҳрир сиёсий исломий партиясига аъзоликда айбланиб судланган ва узоқ йиллик маҳкумликдан сўнг озодликка чиқарилган бир қанча йигитларининг уйларига тонг қоронғусида бостириб киришди. Бошига маска кийган махсус кучлар ходимлари йигитларни ўта хавфли жиноятчилар каби ваҳима билан олиб кетишди. Ички ишлар идорасига олиб келинган йигитлар қаттиқ қийноққа солинди. Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманида жорий йил тўққизинчи май куни ушбу 23 нафар йигитлар устидан бошланган судда йигитлар судьяга қандай қийноқларга солинганликларини гапириб беришди. Жумладан:

1) Йигитларни ички ишлар идорасига олиб келишгач икки кун давомида бошларига қоп кийдириб, кечаси соат иккидан тонгги олтига қадар калтаклашган.

2) Тергов ходимлари томонидан олдиндан тайёрлаб қўйилган иқрорномага йигитлар қўл қўйиши учун ва бу иқрорномани айблов хулосасига асос сифатида қўллаш учун қуйидаги шаклда шантаж орқали мажбур қилинган:

а) Йигитлардан бирини агар иқрорномага қўл қўймаса, аёлини идорага олиб келиб, зўрлаш билан қўрқитишган.

б) Бошқа йигитга эса чет элда таҳсил олаётган ўғлини элчихона орқали Ўзбекистонга олиб келиш билан таҳдид қилишган.

в) Яна бир йигитнинг ўғлини ички ишлар идорасига олиб келиб, агар иқрорномага қўл қўймаса, ўғлинг қамалади деб, имзо чекишга мажбур қилишган.

г) Бошқа бир ўринда биродарларимиздан бири устида терговга қадар суриштирув олиб борилиб, ҳатто ток билан қийнаш ҳолати қўлланган ва ҳ.з.

Маълумки, Ўзбекистон конституцияси ва қонунчилигида, асоссиз равишда ҳибсга олиш ва қамоқда сақлаш қатъиян таъқиқланади. Аммо давлат органлари бундай амалиётни ҳануз давом эттирмоқда. Тошкентда ҳибсга олинган юқорида номлари келтирилган йигитларининг айбини исботлайдиган ҳеч қандай ашёвий далил ёки жабрланувчининг уларга қарши кўрсатмаси мавжуд эмас. Лекин шунга қарамай уларни асоссиз равишда ҳибсга олинган. Ўзбекистон республикаси қийноққа қарши БМТ конвенциясини ратификация қилган бўлсада, йигитларга нисбатан шафқатсиз қийноқлар қўлланган. Уларнинг устида тезкор-тергов ходимлари томонидан айбига мажбурлаб иқрор қилдириш ва мажбурлаб гувоҳлик бериш каби ноқонуний ишлар олиб борилган. Бу йигитларнинг ҳаммасига эски Каримов режими пайтида Ҳизб ут-Таҳрир аъзоларига қарши қўллаб келинган ЎЗР.ЖК.нинг 159-ва 244-моддалари қўйилган.

Шу ўринда табиий бир савол, қандай қилиб “Ислом билан яшайман ва унинг ҳаётда устувор бўлишини истайман, у энг тўғри йўлдир”, деган фикр ва эътиқоддаги кишиларни жиноятчига чиқариш ва амалдаги конституцион тузумни ағдариш..” да айбланиш мумкин?! Бундай айблов – Исломий қараш уёқда турсин, ҳатто амалдаги миллий қонунчилик ва халқаро меъёрларга ҳам мутлақо зиддир. Ахир, “фикр ва эътиқод эркинлиги”, “фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя..” каби баландпарвоз шиор ва тушунчалар қаерда қолди?

Шубҳасиз бу – дунёвийлик рамзига айланган демократик дунё ва шу жумладан Ўзбекистоннинг бугунги идеологик курашда ўз мағлубитини тан олганлигининг далилидир. Бу шунингдек, Ўзбекистон бошқарув тизимида ҳали ҳам Исломнинг ҳар қандай кўринишига тоқатсиз кимсаларнинг анчагина таъсир кучига эга эканлигини кўрсатади. Ҳа, афсуски, бу аслида ҳам шундай. Акс ҳолда, йигирма йилдан ошиқ умрини зиндонларда ўтказиб, соғлигини деярли йўқотган бу йигитларни биргина фикри билан юқори ҳарбий салоҳиятга эга Ўзбекистон каби давлат конституцион тузумини ағдариб, ҳокимиятни эгаллаб олишга уринишда айбдор қилинармиди? Аслида, ёлғиз фикр ва эътиқоди учун шахни айбдор қилиш Ўзбекистон халқига ҳеч қандай янгилик эмас. Чунки ҳар қандай айбсизни ҳам айбдор қилишга моҳир саналган Каримов режими даврдан бунга кўникишган. Лекин энг ажабланарлиси, ўша режимни “ахлат тузум” дея танқид остига олинганига қарамай, яна қайта ўша даврнинг муваффақиятсиз чиранишларига қўл урилаётганидир.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида суд қилинаётган биродарларимиз исми шарифлари рўйхати;

- 1) Якубов Муроджон Нигматжанович.
- 2) Абзалов Маҳмуд Дадабоевич.
- 3) Агламов Исамитдин Джалалович.
- 4) Ҳикматов Фаҳритдин Шарафович.
- 5) Фазилбеков Давронбек Улугбекович.
- 6) Ахунжанов Умид Абдураҳимович.
- 7) Мамуров Дилмурод Мухтарович.
- 8) Тулаганов Мирзохит Мирвоҳидович.
- 9) Мирзахмедов Машраб Шамильевич.
- 10) Гафуров Баҳтиёр Талатович.
- 11) Миртолибов Абдураззоқ Абдупаттохович.
- 12) Ашрапов Садриддин Салоҳиддинович.
- 13) Алимухаммедов Азиз Агзамович.

- 14) Мирзахметов Отабек Абдухалилович.
- 15) Рахматов Анвар Саматович.
- 16) Юлдашев Анваржон Сабитович.
- 17) Низомов Мурат Тахирович.
- 18) Камалов Хайрулла Абдуллаевич.
- 19) Маҳмудов Дилмурод Раҳимович.
- 20) Абдуллаев Забихулла Халилуллаевич.
- 21) Абдурахманов Шавкат Абдурашитович.
- 22) Рахимов Ибодулло Рахмонович.
- 23) Шамсиев Олим Туляганович.

Тошкент, Андижон, Қўқон, Қарши ва Самарқанд каби вилоятларда асоссиз равишда ҳибс қилиниб, Тошкентга олиб келинган ва тергов ишлари олиб борилаётган йигитларимиз рўйхати;

- 1) Мусаев Шукрулло Садуллаевич
- 2) Салимов Дилшод
- 3) Тўхтасинов Абдулҳамид
- 4) Муҳаммедов Муҳаммаджон
- 5) Масалиев Равшан
- 6) Омонтурдиев Абдуғаффор
- 7) Темиров Тўрақул
- 8) Эргашев Хуршид
- 9) Ҳимматов Отабек
- 10) Азизов Бахтиёр
- 11) Ҳакимов Бахтиёр
- 12) Йўлдошев Камол
- 13) Розиков Бобур
- 14) Абдурроҳманов Анвар
- 15) Тагаев Шавкат
- 16) Арабов Улугбек

Судланаётган йигитларимизнинг судга сўзлаб берган қийноқ ва тазйиқлар ҳақидаги шикоятларидан келиб чиқиб, тергов қилинаётган бу йигитларимизнинг тақдири бизни қаттиқ ташвишга солмоқда.

Ҳизбут-тахрир террорчи ташкилот эмас. Ташкил этилганига етмиш йилдан ошиб, элликдан ортиқ мамлакатда фаолият юритаётган бу Исломий сиёсий партиянинг ҳеч қаерда бирор маротаба бўлсин, зўравонлик ёки қўпоровчилик ишларини амалга оширганлиги қайд этилмаган ва исботланмаган. Ўзбекистонда Ҳизб ут-Таҳрир фаолияти мавжудлиги расмийлар томонидан эълон қилиниб, унга қарши кураш бошланганига ҳам йигирма беш йилдан ошиқ вақт ўтди. Ўтган давр мобайнида Ҳизб ўзининг фаолиятини тўхтатмади ва унинг аъзолари томонидан Ўзбекистон ҳудудида зўравонлик ёки қўпоровчилик ишлари амалга оширилганлиги қайд этилмади ва исботланмади. Қанчадан-қанча Ҳизб йигитларини сўроқ қилган қилни қирқ ёрувчи тергов органлари ходимлари наҳотки Ҳизб ут-Таҳрир террорчи ташкилот эмаслигини аниқлай олмаган бўлсалар?

Ҳақиқатан, Ҳизб ут-Таҳрир Ўзбекистонда террорчи ташкилотлар рўйхатига киритилганлиги мутлақо асоссиз ва қўпол хатодир. Шунинг учун Ўзбекистон Мусулмонлар диний идораси, Диний қўмита, ҳуқуқ-тартибот органлари ва бошқа расмий идоралар Ҳизб ут-Таҳрир фаолиятини холисона ўрганиб, тўғри ҳуқуқий баҳо беришларини талаб қиламиз! Ўзбекистон қамоқхоналарида эски тузум қатағонлари касофатидан чорак асрдан буён тутқунликда қолаётган Ҳизб ут-Таҳрир йигитлари зудлик билан озод қилиниши зарур. Зеро бу йигитлар жазо муддатини ўташ жойларида қанчадан-қанча жиноятчи ўғрилари тўғри йўлга солиб, адашган кимсаларни ҳидоятга чорлаган ва жамиятдаги муаммоларга бефарқ бўлмаган, балки уни шахсий манфаатларидан устун қўйган олийжаноб инсонлар эканликлари амалда ўз исботини аллақачон топиб улгурган. Агар билсангиз, улар Ўзбекистон жамиятига қандайдир хавф туғдирадиган эмас, аксинча жамият барқарорлиги ва ҳар томонлама юксалиши учун ўзининг салмоқли ҳиссасини қўша оладиган, жамиятга фақат манфаат келтирадиган инсонлардир. Бу йигитлар ҳеч қачон қўпоровчилик ишлари билан шуғулланган эмас. Уларнинг юксак эътиқоди, тўғри фикри ва ҳақ сўзидан бошқа қуроллари йўқ. Уларнинг асосий мақсади – халқимизга ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган динимиз асослари ва қадриятларини етказишдан иборат холос. ﴿وَمَنْ أَحْسَنُ قَوْلًا مِّمَّنْ دَعَا إِلَى اللَّهِ وَعَمِلَ صَالِحًا وَقَالَ إِنَّنِي مِنَ الْمُسْلِمِينَ﴾ “(Одамларни) **Аллоҳ**(нинг ҳақ дини)**га даъват қилган ва ўзи ҳам яхши амал қилиб, «Шак-шубҳасиз мен мусулмонлардандирман», деган кишидан ҳам чиройлироқ сўзлагувчи ким бор?»** [41:33]

Эски тузум қатағонларидан ўзининг жони ва динини сақлаб қолиш учун қанчадан-қанча Ҳизб ут-Таҳрир йигитлари туғилиб ўсган қадрдон жойларини ташлаб, чет элларга чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Улар ҳозирги кунгача қариндош уруғларидан фироқда, ғариблиқда бегона юртларда сарсон-саргардон бўлиб яшамоқдалар.

Жаноб Мирзиёев, Ўзбекистон зиндонларида сақланаётган, айни кунларда судланаётган, тергов ишлари олиб борилаётган ва муҳожирликда яшаётган Ҳизб ут-Таҳрир йигитларининг хаммаси Ўзбекистон Республикаси фуқароларидир. Улар Ўзбекистон конституциясида белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиб ўз шахсий фикр ва эътиқодларига эга бўлишга тўла ҳақлидирлар. Сиз президентлик лавозимини қабул қилиб олаётганингизда, конституция ижросини кафолатлашга қасамёд қилган эдингиз. Шунинг учун сиздан қуйидагиларни талаб қиламиз;

1) Ҳизб ут-Таҳрир сиёсий исломий партиясидан “террорчи ташкилот” тамғасини олиб ташлашни.

2) Йигирма беш йилдан бери Ўзбекистон зиндонларида ноқонуний сақланаётган Ҳизб ут-Таҳрир йигитларининг ишлари қайта кўриб чиқилиб, озодликка чиқарилишини.

3) Тошкентда судланаётган йигитларимизга қўлланган оғир жиноий моддалар олиб ташланиб, озод этилишлари ҳамда уларга қийноқ ва тазйиқ қўллаганлар аниқланиб, жиноий жавобгарликка тортилишини.

4) Асоссиз равишда ҳибсга олиниб, тергов ишлари олиб борилаётган йигитларимиз устидан тергов ҳаракатлари тўхтатилишини.

5) Чет элларда муҳожирликда яшаётган ёки қидирувга берилган Ҳизб ут-Таҳрир йигитларини жиноий таъқиб қилишга барҳам берилишини.

Жаноб Президент! Биз Ҳизб ут-Таҳрир Ўзбекистон вилояти, юқорида баён этганимиз муаммони ижобий ҳал қилишингизга умид билдирамиз. Ана шунда сиз, муаммони ҳал этишнинг бошқа йўллари қидиришдан бизни халос этган бўласиз ҳамда Марказий Осиёда сизнинг саъй-ҳаракатларингиз ва катта машаққатлар эвазига таъминланаётган тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаган бўласиз.

29 Зулҳижжа 1445

05 июл 2024

Ҳизб ут-Таҳрир

Ўзбекистон